



## МАМЛАКАТДА ЎРТА МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Норбоев Одил Абраевич**

*Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти*

**Email:** [odilnorboyev75@gmail.com](mailto:odilnorboyev75@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss5/587](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss5/587)

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш хусусиятлари мазмун-моҳияти очиқ берилган ва унинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар, мулк иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муаммо ва ечимлар, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари асосланган, бу борада иқтисодчи олимлар қарашлари, мулк капиталлашув жараёнларининг асосий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган масалалар ёритиб берилган. Мақолада, шунингдек, ҳақиқий ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришнинг йўналишлари ҳамда унинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** мулкчилик муносабатлари, мулк капиталлашуви, мулк дахлсизлиги, хусусий мулкка эгалик қилиш бўйича хулосалар, ўрта мулкдорлар синфи, самарали мулкдор, ҳақиқий мулкдор, хусусий тадбиркорлик.

## ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КЛАССА СРЕДНЕЙ СОБСТВЕННОСТИ В СТРАНЕ

**Норбоев Одил Абраевич**

*Доцент кафедры экономической теории*

### **Аннотация**

В статье раскрываются сущность особенностей формирования среднего класса собственников в Узбекистане и основные факторы, влияющие на его формирование, проблемы и пути решения в обеспечении экономической безопасности собственности, механизмы обеспечения неприкосновенности собственности и защиты прав собственников основаны на взглядах экономистов на этот счет, выделены процессы капитализации собственности, связанные с ее основными аспектами. Также в статье разрабатываются направления формирования настоящего среднего класса собственников и предложения по совершенствованию его законодательной базы.

**Ключевые слова:** отношения собственности, капитализация имущества, право собственности на имущество, выводы о принадлежности частной собственности, класс средних собственников, эффективный собственник, реальный собственник, частный бизнес.

## CHARACTERISTICS OF THE FORMATION OF THE CLASS OF MIDDLE OWNERSHIP IN THE COUNTRY

**Norboev Odil Abraevich**

*Associate Professor, Department of Economic Theory*

## **Abstract**

The article reveals the essence of the features of the formation of the middle class of owners in Uzbekistan and the main factors influencing its formation, problems and solutions in ensuring the economic security of property, mechanisms for ensuring the inviolability of property and protecting rights. owners are based on the views of economists on this matter, the processes of property capitalization associated with its main aspects are highlighted. The article also develops directions for the formation of a real middle class of owners and proposals for improving its legislative framework.

**Key words:** property relations, capitalization of property, ownership of property, conclusions about the ownership of private property, class of average owners, effective owner, real owner, private business.

## **Кириш**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири мулкдорлар синфини шакллантиришдир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Янги Ўзбекистон – кенг иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири – ҳар бир фуқаро бой бўлса – давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса – мамлакат фаровон бўлади” деб таъкидлаган [1]. Бу йўлда учта ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этиш тўғрисида гапириш мумкин: булар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалалар. Иқтисодий маънода ўзига тегишли мулкдан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланишга қодир бўлган кишилар мулкдорлар бўлиши мумкин. Самарали мулкдор ўзига тегишли мулкни бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда ошириб боради. Ижтимоий маънода, мамлакат аҳолисининг катта қисмини ўз ичига олган ва унинг ривожланиши йўналишларини аниқловчи жамият асосини ташкил этувчи ўрта синф шаклланиши лозим. Мулкдорлар синфининг сиёсий маъноси шундан иборатки, у барқарорликка, демократиянинг ривожланишига ва ҳуқуқий давлатга йўналтирилганликдир. Мулк эгалари ҳамма вақт ҳар қандай инқилобий ўзгаришлар ва ижтимоий ларзаларга қарши туради, чунки жамоат тартибсизлиги уларнинг мулкига таҳдид солиб туради.

Шуни назарда тутиш лозимки, ушбу белгиларга барча мулкдорлар ҳам жавоб бермайди. Фақатгина мулкка эгалик қилиш етарли эмас. Ҳатто энг камбағал инсон ҳам қандайдир мулкка эга. Лекин бундай мулкдорларнинг жамиятдаги роли юқорида айтилганлариникидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун мулкдорлар синфини шакллантириш иқтисодий ислохотлар вазифаларини ҳал этиш учун зарурми? – деган савол қўйилиши табиий. Бу саволга жавоб иқтисодий ислохотларнинг мақсадларидан келиб чиқади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш бош мақсадлардан бири ҳисобланади. Яъни мамлакат фуқароси қанчалик бой ва моддий жиҳатдан таъминланган бўлса, бу жамият фаровонлиги учун шунчалик яхшидир. Давлат ўз олдига, ҳатто фуқаролар даромадлари нуқтаи назаридан тенгликка эришиш вазифасини қўймаслиги керак. Бундай сиёсатнинг салбий оқибатлари ҳамма вақт барча мамлакатларда кузатилган. У фақат қашшоқлик билан курашиши ва уни келтириб чиқарувчи шароитларга барҳам бериши мумкин. Моддий фаровонлик давлат фаолиятининг маҳсули бўлмаслиги лозим, унга ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила мустақил эришиши керак. Бу шуни англатадики, давлат бой шахсларни камбағалларга яқинлаштириш мақсадида

уларнинг даромадларини чегараламаслиги зарур. Давлат аҳолини кам таъминланган қатламининг даромадларини оширишга ёрдам бериши лозим.

Агарда кам таъминланганлар сони кўпчиликни ташкил этмаса, у ҳолда жамиятнинг катта қисми ўрта синф, яъни давлат асосини ташкил этувчи ижтимоий қатламдан иборат бўлади. Бундан келиб чиқадиган биринчи хулоса шуки, Ўзбекистон ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга ва ривожлантиришга интилиши лозим. Бу вазифани ҳал этиш камбағалликка барҳам бериш ва ҳар бир шахснинг меҳнат салоҳиятини очиш билан боғлиқдир.

### **Адабиётлар таҳлили**

Мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига мамлакатимиз олимлари ва чет эл тадқиқотчи олимлар ҳам ушбу муаммони ечимига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Шу билан бир қаторда мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўрта мулкдорлар синфи қатламини шакллантириш, улар ривожланиши механизмлари ва қонунчилик жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ва муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Жон Стюарт Милл классик даврнинг охирини изоҳлашга уринди, бироқ у классик қоидаларнинг баъзиларини ёқламаган. Смит, Рикардо ва Ж.С.Миллар томонидан 1776-йилдан 19 асрнинг сўнгига қадар иқтисодий назариялар бошқариб турилган: Смит 1776-йилдан деярли 1820-йилгача, Рикардо 1820-йилдан деярли 1850-йилларгача, Ж.С.Мил эса 1850-йиллардан 1890 йилларга қадар ҳукмрон бўлган. Икки янги иқтисодчи олимлар Малтус ва Маркс баъзи жиҳатлари классик йўналишда бўлсада улар классик иқтисодий мактаб тарафдорлари эмас, балки танқидчилар сифатида кўзга кўринади. Томас Малтуснинг “Нуфус назарияси” классик назария билан боғлиқ, бироқ Малтус ўз назарияларида мулкдорлар синфининг ўрни ва моҳияти, ҳамда унинг макроиқтисодий жиҳатлари таҳлилида классик анъаналар таълимоти илгари сўрилади. [3].

Смит капиталистларнинг роли ва капитал жамғарилиши тараққиёт учун заруриятини қарашларида ифодалайди. Унинг бойлик ва даромадга интилиши иқтисодиётни етарли ресурс тўплаш ва иқтисодий ўсишга бошлайди. Хусусий хоссага эга иқтисодиётда капитал манбаи яқка шахсларнинг жамғармалари хисобланади. Смит ишчилар капитал жамғара олмайди, чунки уларнинг иш ҳақлари фақатгина бирламчи эҳтиёжларни қондиришга етади деб хисоблайди. Ерга эгалик қилувчилар синфи аъзолари капитал йиғишга етарли даромадга эга, лекин улар маблағларини ноишлаб чиқаришга, ҳаёт фаровонлигини ошириш учун улкан хохишларини қондиришга сарфлайдилар. Ўсиб бораётган ишлаб чиқарувчилар синфи вакиллари даромадга, жамғариш ва инвестиция киритиш орқали бойликларини кўпайтириш мақсадида капитал жамғаришга интиладилар, улар жамиятга мурувват кўрсатувчилардир, хулоса қилади Смит. даромаднинг нотекис тақсимланиши капиталистлар учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Даромаднинг нотекис тақсимотисиз иқтисодий ўсиш имконсиз, йил давомидаги маҳсулот истеъмол қилинади. [3],

Малтуснинг асосий тамойилини ўз ичига олган биринчи мақоласи иккита тахминга асосланди: (1) озиқ-овқатлар инсоният учун керак, ва (2) эҳтирос ва нафс ўзгармас. У шундай хулосага келди аҳолининг жуда тез ўсиши озиқ – овқат таклифи етишмовчилигини келтириб чиқаради. Малтус ўз ҳулосасида инсон жамиятдан

ажралган ҳолда яшолмаслиги ҳамда унинг кўпайиши геометрик прогрессия асосида (1,2,4,8,16...), лекин озиқ – овқат таклифи арифметик прогрессия асосида (1,2,3,4,5, ...) амалга ошади деб кўрсатади. Бу, унинг айтишича, камбағаллик ва қашшоқликнинг энг асосий сабабларидандир. [4],

Унумли меҳнат назарияси. Ж.С.Миллнинг бу назарияси ўз моҳиятига кўра А.Смит назарияси билан ҳамоҳанг. Ж.С.Миллнинг таъкидлашича, фақат унумли меҳнат (натижаси кўриниб турадиган меҳнат) “бойлик” яъни “моддий неъматлар”ни яратади. Унинг назариясидаги янгилик шундан иборатки, мулкни муҳофаза қилувчи меҳнатни ва жамғармаларни кўпайтиришга имкон берувчи малакага эга бўлиш учун сарфланадиган меҳнатни ҳам унумли деб ҳисоблайди. Ж.С.Миллнинг тасдиқлашича, агар бу истеъмол “жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини қўллаб-қувватласа ва кўпайтирса”, унумли меҳнатдан келадиган даромадлар унумли истеъмол ҳисобланади. Унингча, унумсиз меҳнатдан келадиган ҳар қандай даромад бу–фақат унумли меҳнат билан яратилган даромаднинг оддий қайта тақсимланишидир. Агар у ишчининг ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган воситалар минимумини таъминласа, ҳатто иш ҳақи истеъмоли унумли ҳисобланади, унинг “зеб-зийнат” келтирадиган қисми эса унумсиз ҳисобланади. [4],

Капитал ва фойда назарияси. Ж.С.Милл жамғариш натижасида вужудга келадиган меҳнат маҳсулотлари захирасини капитал деб атаган. Ишлаб чиқариш фаолияти капитал миқдори билан чегараланади. Капиталнинг ҳар бир кўпайиши ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Агар меҳнат қилишга қобилиятли кишилар топилса ва улар эйиши учун овқат бўлса, улардан қандайдир ишлаб чиқаришда доимо фойдаланиш мумкин. Чунки инвестициянинг асоси сифатида капиталнинг ташкил топиши иш билан бандлик доирасини кенгайтириш имконини беради ва агар «бойларнинг унумсиз харажатлари» ҳисобга олинмаса, ишсизликка барҳам бериши мумкин. [5],

Аммо Ж.С.Миллнинг таъкидлашича, капиталнинг ривожланишига бошқа чекланишлар ҳам хос. Уларнинг бири – капиталдан келадиган даромадларнинг камайишидир. Уни Ж.С.Милл капиталнинг меъёрли унумдорлигининг пасайиши сабабли келиб чиқади, деб тушунтиради. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш ушбу миқдор эквивалентига нисбатан кўпроқ меҳнат сарфлаш эвазигагина бўлиши мумкин. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас. [5],

Ж.С.Милл фойданинг вужудга келиш сабабини худди А.Смит ва Д.Рикардо каби тушунтиради: «Фойда айирбошлаш натижасида эмас..., балки меҳнатнинг унумдорлик кучи натижасида вужудга келади. [6].

Ж.С.Миллда капитал эвалюцияси Д.Рикардо назариясига ўхшаб кетади. Фойда меъёри пасайиб боради, аста-секин минимум даражага интилади, лекин бу ҳолат ҳали ҳам капитални жамғаришга ва жамғарилган воситалардан унумли фойдаланишга ундайди. Фоиз меъёрининг минимум даражасига бўлган интилишни четга капитал чиқариш ва экспортни кўпайтириш билан секинлаштириш мумкин. Бунда фойда меъёрини пасайтирувчи капиталнинг ортиқча қисми четга чиқиб кетади; бу эрда капитал йўқолмайди, балки у янги бозорларни ташкил этиш ва четдан арзон товарларни олиб келиш учун ишлатилади. Капиталнинг бир қисмининг четга чиқиб кетиши фойдани ва фоиз меъёрини ошириб, жамғармага бўлган янги интилишни келтириб чиқаради. У, шунингдек, фойда меъёрининг пасайиш мойиллиги давлат

харажатларини оширишга қарши бўлган далилларни кучсизлантиради, деб ҳисоблайди. [7].

Одам ўзи яратмаган нарсаларга унинг эгалик қилиш ҳуқуқини адолатсизлик деб ҳисобловчи хусусий мулк танқидига Ж.С.Милл қарши чиқди. Масалан, ишчилар фабрикада барча маҳсулотни яратади, лекин унинг кўпчилик қисми бошқа бировга тегади. «Бу эътирозга жавоб шундан иборатки, фабрикада меҳнат товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитларнинг бири ҳисобланади, холос. Ишни материалларсиз, асбоб-ускуналарсиз ҳамда ишлаб чиқариш пайтида ишчиларни таъминлаш учун олдиндан тайёрланган яшаш воситалари захираларисиз бажариб бўлмайди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ўтган меҳнат маҳсули ҳисобланади. Агар ишчилар бу нарсаларга эга бўлганда, уларда маҳсулотни бошқа бировлар билан бўлишишга зарурат бўлмас эди. Аммо ишчиларда бу нарсалар бўлмаганлиги учун улар эквивалентнинг бир қанчасини (маҳсулотларнинг бир қисмини–муаллиф) ушбу нарсаларга эгалик қилувчи кишиларга бериши керак». Аммо хусусий мулк доирасидан ер чиқариб ташланиши лозим (чунки у меҳнат маҳсули ҳисобланмайди).[8].

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу тадқиқотнинг методологиясини мамлакатда ҳақиқий ва самарали ўрта синфга мансуб бўлган мулкдорларни шакллантириш тамойиллари ҳамда услубияти ташкил этади. Тадқиқотда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мезонлари асосланади. Ўрта синфни шакллантиришга асосий талаблар ва омиллар умумлаштирилади, улар йўналишлари таклиф қилинади. мулкдорлар синфи ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар таҳлил қилинади.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Мулкдор табиатан оқилона иш тутади. У ўзига тегишли мулкни кўпайтиришга интилади. Агар бу ҳолат юз бермаса, мулк эгаси ўзини мулкдор деб ҳисобламайди, ёки келажакда унинг ҳуқуқлари сақланмаслиги мумкин, деб ҳисоблайди, ё бўлмаса мулк янги эгасига шундай шароитда келиб тушганки, у мулкни авайлаб-асраб ва уни кўпайтириш лозим эмас деб ҳисоблайди.

#### **1-Жадвал**

#### **Ўрта мулкдорлар синфи шаклланишининг асосий йўналишлари таҳлили келтирилган.**

Ўрта мулкдорлар синфи шаклланишининг асосий йўналишлари қўйидагилар		
<ul style="list-style-type: none"><li>• мавжуд мулклар ва даромадлар асосида, хусусан омонатларни корхоналар ва давлат қимматли қоғозларига сарфлаш ҳамда хусусий шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк ва бошқа мулклардан фойдаланиш йўли;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• давлат асарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида, давлат мулкни кимошди савдолари ва танловларда сотиб олиш, ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини харид қилиш йўли;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.</li></ul>

\* Муаллиф ишланмаси

Шу асосда учинчи хулосага келиш мумкин: мулкчилик ҳуқуқлари нафақат қонун билан ҳимояланиши, балки ҳақиқатда кафолатланиши зарур. Тўртинчи хулоса шуки, мулкдорлар ўзига тегишли бойликларни қайта ишлашни кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва шу асосда янги моддий ва номоддий бойликларни яратишга йўналтирилган мулкдорлар рағбатлантирилиши лозим. Юқорида айтилганларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, иқтисодий ислохотлар натижасида ўз мулкдан оқилона фойдаланишга ва унинг бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият тузишга йўналтирилган ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кўпайтиришга қодир бўлган ўрта мулкдорлар синфи шаклланиши лозим.

Ушбу йўналишларда кафолат нафақат мулкчилик субъектлари, балки унинг объектлари учун ҳам жуда муҳим, яъни мулкдорлар қандай мулкка эгалик қилишлари мумкин. Шу билан бирга, мулкчиликнинг барча объектлари даромадлар олиш мақсадида фойдаланмайдиган объектларга ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларига бўлиниши мумкин.



1-расм. \* Муаллиф ишланмаси

Мулкдорлар – бу моддий ва интеллектуал мулк объектларига эгалик қилувчи, улардан ўз хоҳишига, шу жумладан, даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслардир.

## 2-Жадвал

**Ишлаб чиқариш ресурслари даромад олиш ва мулкни кўпайтириш учун фойдаланилади. Ҳар қандай мулкка эга бўлган шахсларнинг барчаси мулкдорлар ҳисобланади.**

Мулкдорларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:		
ўз ихтиёрида даромад келтирмайдиган ва шахсий фойдаланиш учун мўлжалланмаган мулкка эга бўлган майда мулкдорлар	ўз ихтиёрида истеъмол соҳасида фойдаланиладиган мулк билан бир қаторда қўшимча тadbirkorлик даромади ёки сарфланган капиталдан даромад олишга мўлжалланган активлар (капитал)га эга бўлган шахслар	ўз ихтиёрида йирик хусусий корхоналар, фирмаларга эга бўлган ва улар фаолиятдан мўмай даромад олувчи йирик мулкдорлар

Мулқдорлар синфини шакллантириш йўналишлари ва унинг таркибини аниқлаган ҳолда ушбу жараёни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мумкин. Бу омиллар ичида кишилар психологияси муҳим роль ўйнайди. Инсонни мулқдор бўлиши учун мажбурлаб бўлмайди, у бунга тайёр бўлиши керак. Ҳозир бозор муносабатлари ривожланиш палласи, хусусий мулкка нисбатан ҳам ушбу жараёнлар ижобий томонга ўзгарди.

Мулқдорлар синфининг шаклланишига ҳуқуқий муҳит кучли таъсир кўрсатмоқда. Қонунчилик мулкчилик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, кафолатланиши ва уларни амалга ошириш механизмини белгилаб бериши зарур. Агар мулқдорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш механизми бўлмаса, у ҳолда бу ҳуқуқлар декларацияга айланади. Бу ҳол қонунга бўлган ишончни йўқотади ва муаммоларни “норасмий” йўл билан ечишнинг турли усулларини қидириш учун замин яратади.

Мулқдорлар синфининг шаклланишига иқтисодий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, инфратузилманинг ривожланиши – ишлаб чиқариш, ижтимоий, молиявий бозорлар таркиби, макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Реал мулқдорлар синфининг шаклланишида давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эга: яъни солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги даромад ҳажмини ва унинг тақсимланишини белгилаб беради. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасидаги сиёсат давлат мулкани у ёки бу усул билан иқтисодий фаолиятнинг нодавлат иштирокчиларига ўтказишга йўналтирилган; аҳолининг кам таъминланган қатламни қўллаб-қувватлаш ҳамда фан, маданият, таълим, миллатнинг интеллектуал капитални оширувчи фаолият соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий сиёсат; иқтисодий сиёсат хўжалик фаолиятини тартибга солиш, ресурсларни тақсимлаш ва макроиқтисодий барқарорликка эришишга йўналтирилган.

Мулқдорлар синфи оёққа туришининг дастлабки босқичи Ўзбекистонда институционал ва иқтисодий ислохотлар жараёнларида мулқдорлар синфини шакллантириш учун замин яратилди. Бу ҳақда иқтисодий ислохотларнинг боришини тавсифловчи айрим кўрсаткичлар далолат беради.

Мамлакатимизда 1992–1998-йилларда 50630 га яқин давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва қайта ташкил этилди. Маҳаллий, енгил, мебель, машинасозлик ва автомобиль саноати тармоқларидаги давлат корхоналари мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўзгартирилди. Шу даврда 85 мингга яқин кичик, 45 мингдан ортиқ хусусий корхоналар ташкил этилди. Давлат фонди уй-жойлари тўлиқ хусусийлаштирилди. Натижада 1,1 млн. квартира ўзининг ҳақиқий эгасини топди. 3 миллион оила эса томорқалар ва ёрдамчи хўжаликларга эга бўлди.

Аграр сектордаги иқтисодий ислохотлар мулқдорлар синфининг шаклланишига асос яратган. Дастлаб колхоз ва совхозлар акциядорлик жамиятларига, кооперативларга, ширкат хўжаликларига айлантирилган. Янги ўзгарган иқтисодий шароитларда мулкчилик муносабат мулк пайи асосида қурилган, унда хўжаликнинг ҳар бир ишчиси хўжалик мулкнинг аниқ бир қисмига эгалик қилган. Оилавий пудрат ва фермерлик ҳаракатлари ривожланган. Ўша босқичда 23 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари барпо этилган, уларга 423,5 минг гектар ер берилган, деҳқон хўжаликлари учун эса 625,8 минг гектар ер ажратилган. 1998 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 22 мингга яқин ер участкалари кимошди савдоси асосида сотилган, шунинг 37,7

фоизини деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ер участкалари, 62,3 фоизини эса шахсий уй-жойлар қурилишига берилган участкалар ташкил этган. Бозорнинг кўчмас мулк секторига Республика кўчмас мулк биржаси муҳим роль ўйнаган. Тадбиркорлар кўчмас мулк биржасида турли ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 3800 дан ортиқ объектларини, Ўзмевасабзавотвиносаноатининг 357 та объектларини, 1746 та савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, 451 та автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларини ва 5700 дона автотранспортларни сотиб олган.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мулкдорлар синфининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида 1998 йил 1 июль ҳолатига кўра эмиссиялар умумий ҳажми 186,6 млрд. сўм бўлган 4989 та акциядорлик жамиятлари рўйхатга олинган. Акциядорлик жамиятларининг 29,4 млрд. сўм миқдорига акциялари жойлаштирилган, шулардан 14 млрд. сўм миқдорига акциялар жамоа аъзолари ўртасида жойлаштирилган, 8 млрд. сўм миқдорига акциялар Республика фонд биржасида юридик ва жисмоний шахсларга сотилган. “Вақт” миллий депозитарийсида жисмоний шахс учун 825 мингдан ортиқ ҳисоб рақамлар очилган.

Мулкдорлар синфининг шаклланишига бозор инфратузилмаларининг ривожланиши ҳам катта ёрдам бермоқда. Бозор инфратузилмаси тадбиркорлар фаолияти шароитларини яхшиламоқда. Ўша даврда 1800дан ортиқ майда улгуржи тузилмалар барпо этилган, қимматли қоғозлар бозорида 300 та брокерлик идоралари фаолият кўрсатган. 1998 йил 1 июль ҳолатига кўра қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритиш учун лицензия олган инвестиция институтлари 657 тани ташкил этган.

Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ривожланмоқда. Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, фонд бозорини ривожлантириш, аграр сектордаги ислохотларни чуқурлаш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган ва амалиётга киритилган.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари йўналтирилган. Олий Мажлис сессиясида “Уй-жой кодекси” биринчи ўринда қабул қилинган. Буларнинг барчаси мулкдорлар синфини шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишининг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Шу билан бир вақтда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси [2] хусусий мулкчиликнинг ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этади. Айрим зарур қонунлар, масалан, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестициясини мажбурий суғурталаш, банкдан ташқари молия институтлари фаолияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мажбуриятларини жавобгарлиги механизми тўғрисида қонунлар қабул қилинмаган. Қонунлар бажарилишига реал механизмнинг самарали ишлаши ҳамда қонунчиликнинг айрим меъёрларининг ноаниқлиги, сезиларли муаммоларини келтириб чиқаради, бу мулкдорларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш имкониятларини чеклаб қўяди. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин.

Таҳлилларга қараганда мамлакатимизда тарихан жуда қисқа вақтда жамиятимиз учун мутлақо янги мулкчилик ва иқтисодий муносабатларга асос солган қонунлар мажмуаси яратилди. Айтиш мумкинки, бутун Янги Ўзбекистон стратегияси модели негизда ташкил этилувчи мақсад ва тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ўз мулкидан оқилона фойдаланишга ва бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуришга қодир бўлган мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланмоқда.

Шу билан бир вақтда давлатимизда хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, у барқарор инклюзив ривожланиш даврига ўтди. Ўтказилган сўровларга кўра айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан ошиғи ўзини ўрта мулкдорлар тоифасига мансуб эканлигини тасдиқлаган. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 80 фоиз корхоналар нодавлат корхоналар (фермер хўжаликларисиз) тоифасига киради. Улар 83 фоиз ЯИМ ҳажмини ишлаб чиқаришмоқда. Бу кўрсаткич 1992 йилда 5 фоизга тенг бўлган. Ушбу рақамлар Ўзбекистонни кўплаб ривожланган давлатлар даражасига тенглашганидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик устуворлиги таъминланган. Бунга ушбу соҳалар ривожланишини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк эгаларининг тинимсиз ҳаракатлари ҳамда манфаатдорлиги туфайли эришилмоқда. 2023 йилда аҳоли жон бошига реал даромади 15979,3 минг сўмга тенг бўлган.

Мамлакатда иш билан банд аҳолининг 81 фоизи ёки 11,2 млн. киши нодавлат корхоналарида ишлайди. Фақат кичик корхона ва микрофирма эгалари ихтиёрида 188,4 трлн. сўмга тенг ишлаб чиқариш воситалари бор. Уларда 1,4 млн. киши иш билан банд. Ушбу тоифадаги корхоналарда 143,9 триллион сўмдан ошиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 12,5 мартага кўпдир.

Ўзбекистонда 2023 йилда 523,5 минг кичик корхоналар ва микрофирмалар, 109,6 мингдан ортиқ фермер ва 5,1 млн. деҳқон ва томорқа хўжаликлари, нодавлат мулкнинг 18,4 фоизи хусусий корхоналар ҳисобланади. Хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг активлари (акциялар, пай улушлари ва бошқа қимматли қоғозлар.), авторанспорт, қишлоқ хўжалиги тизимида хусусий мулкга берилган боғлар, узумзорлар ҳамда чорва фермаларининг эгалари даромад келтирувчи мулкларини мулкдорлари ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий тадбиркорлар учун катта миқдорда ишлаб чиқариш ресурслари ажратилмоқда. Биргина фермерлар ихтиёрига қарийб 6 млн. аҳоли деҳқон хўжаликларига 625 минг гектардан ошиқ қишлоқ хўжалик ерлари берилган. Шу билан бирга, кичик бизнес вакиллари 2022 йилда асосий капиталга қарийб 44,7 трлн. сўм инвестициялар киритган. Бу иқтисодиётга киритилган ҳамма инвестицияларнинг 35 фоиздан ошиғини ташкил этади. Шу даврда кичик корхона ва микрофирмалар қарийб 52 фоиз ўз маблағаларини ҳамда 31 фоиз банк кредитларини асосий капиталга инвестиция қилиб киритган. Бу ўтган 2015 йилга солиштирганда мос равишда 8 ва 1,5 фоизга кўпдир.

Фуқароларга тегишли кўчмас мулкдан фойдаланиш имкониятларидан сезиларли чекланишлар мавжуд. Кўчмас мулк битимлари учун катта солиқ ва мулк

учун кичик солиқ тўланиши мулкдорни унга тегишли бўлган кўчмас мулкдан янада самарали фойдаланишга ундамайди. Кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича битимларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар ҳам шундай натижага олиб келади. Оқибатда ушбу бозорлар жуда секин ривожланмоқда.

Хусусий мулкчиликни ривожлантиришда қимматли қоғозлар бозорининг роли жуда ҳам муҳим. Акциялаштириш аҳолининг кенг оммасини мулкка эгалик қилишга жалб этишнинг самарали механизмидир. Бироқ акциялаштириш жараёни ҳозирча реал мулкдорларнинг кенг намоён бўлиши суст. Аҳоли омонатларини қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш жараёни ҳам жуда суст. Акциядорлар томонидан расман сайлаб қўйиладиган акциядорлик жамиятлари раҳбарлари кўп ҳолларда, яъни дивидентлар тўлашда, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширилишида, акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олиш ҳуқуқларининг амалга оширилишида акциядорлар манфаатлари очиқ ҳимоя қилиниши етарли даражада эмас. Инвесторларга кўрсатиладиган зарур хизматларнинг нархи юқориликча қолмоқда.

Янги Ўзбекистон стратегиясида [1] белгиланган мақсадлар қаторида хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни устувор ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда кўп ишлар қилинмоқда, лекин шу билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳаммаси ҳам амалда фаолият кўрсатаётгани ва маҳсулот чиқараётгани йўқ. Фақат 2022 йилда рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналарининг 32,4 мингтаси ёки 5,8%и фаолият юритмаган. Бу кўрсаткич 2020 йилда 25,8 минг ёки 6,8 фоиз бўлган. Барпо этилган корхоналарнинг кўпчилиги қисқа вақт ичида тугатилмоқда. Тадбиркорлик тузилмаларининг ҳудудий тақсимланиши нотенглигича қолмоқда, кўрилган чораларга қарамасдан уларнинг катта қисми ҳали ҳам Тошкент шаҳри, вилоятларнинг йирик шаҳарларига мўлжалланган. Тадбиркорлик субъектларининг соҳавий тузилиши ҳам такомиллаштирилиши зарур. Чунки уларнинг катта қисми савдо ва умумий овқатланишга мўлжалланган.

Тадбиркорларни ўқитиш, уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш борасида турли ташкилотлар томонидан муҳим ишлар олиб борилганлигига қарамасдан кўпгина кичик корхоналар раҳбарларининг билим савияси пастлигича қолмоқда, бу корхонанинг тугатилишига олиб келади.

Айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш жараёни қийин ва катта кучларни, кўпинча эса маблағларнинг сарфланиши билан боғлиқдир. Хусусий тадбиркорларнинг икки марта солиқ тўлаш тизими амалда давом этмоқда, бириинчи марта тадбиркор фирма учун солиқ тўлайди, кейин эса ягона эга сифатида даромад солиғи ҳам тўлаши керак.

### **Хулоса ва таклифлар**

Шуни айтишим мумкинки, мамлакатимиз мустақил тараққиёти йилларида босқичма – босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларни хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан четлатиш жараёни тўхтатилди; аҳоли ичидан даромад келтирувчи мулкка эга бўлган мулкдорлар қатлами шаклланди; улар ўз мулкидан давлат, жамият ва ўз манфаатлари йўлида самарали фойдаланиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда ҳамда

иқтисодиётнинг реал секторида янги корхоналар иш жойларини яратишда салмоқли инвестициялар киритмоқда. Ушбу ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес негизида йирик корхона ва компаниялар юзага келиши ҳақидаги узоқни кўзловчи ғоясининг амалда ўз тасдиғини топаётганининг исботи ҳисобланади. Шу тариқа ривожланиб бораётган давлатимиз қудратли ва аҳолисининг ҳаёти фаровон бўлади.

Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар ва уларни ривожлантириш бўйича хулоса бериш учун, уларнинг ишларини ривожлантириш, инновацияларни янада кенгайтириш ва янги соҳаларга киритиш кўмақда. Шунингдек, технологияларни янада ривожлантириш, инфраструктура ва логистика тизимларини янада такомиллаштириш керак. Бу мамлакатда саноат, ахборот технологиялари, текстил ва кўпроқ соҳаларда инновацияларни янада кенгайтириш мумкин. Шунингдек, ташқи савдо ва инвестицияларни янада ривожлантириш, банк хизматларини янада такомиллаштириш мажбуриятли.

Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфини ривожлантириш учун бир неча таклифлар мавжуд:

1. Таълим ва дастурлар: Ўрта мулкдорлар учун таълим дастурлари ва курслар ташкил этиш. Бу дастурларда бизнес стратегияси, маркетинг, финанс, инновация ва бошқа муҳим мавзуларга кўпроқ таълим олиш имкониятини яратиш мумкин.

2. Инновация ва технология: Ўрта мулкдорлар технологияларни фойдаланиш орқали иш жараёнларини автоматлаштириш ва тезлаштириш имкониятини ўрганиш керак. Инновацияга қўшимча кўмак кўрсатиш ва янги технологияларни энгиллаштириш асосий бўлиши мумкин.

3. Бизнес харитаси ва стратегия: Ўрта мулкдорларни ўзларининг бизнес харитасини яратишда ва стратегик йўналишларни белгилашда кўмак кўрсатиш. Шунингдек, янги рингда ишловчиларни ташкил этиш ва ҳамкорликни кучайтириш учун курслар организациялаш мумкин.

4. Менторлик ва дастурлар: Ўрта мулкдорлар учун менторлик дастурлари организациялаш ва уларни иш жараёнларидаги муаммоларни ёки чалланган жойларни ҳал этишда йўриқнома бериш мумкин.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Корхоналар тўғрисида”ги қонунларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси билан мувофиқлаштирилган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш.

6. Аҳолининг хусусий мулк эгалари сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини изоҳловчи аҳоли ҳуқуқий таълими тизимини кенгайтириш ҳамда ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш механизминини яратиш.

7. Солиқ қонунига кўчмас мулк олди-сотдиси битимларига солинадиган солиқ даражасининг пасайтирилишининг назарда тутган ҳолда ўзгартиришлар киритиш.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган акциядорларнинг ҳисоблаб ёзилган ва эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқларини амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

9. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантиришни рағбатлантириш тизимини яратиш. Қишлоқ тадбиркорлигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи

тузилмаларнинг монополистик ҳуқуқларига барҳам бериш, ушбу рақобатчи тадбиркорларнинг юзага келишини таъминлаш.

Бу таклифлар ўрта мулкдорлар синфининг ривожлантирилиши ва иш жойидаги сифатни яхшилашда ёрдам бериши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11–сентябрь 2023- йилдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони.

3. Ўрмонов. Н., ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи: Дарслик. – Т.: 2007 й.

4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик (лотин ёзувида). - Т. “Иқтисод-молия”, 2007. –320 б.б.

5. Раззоқов А . Ўрта осие мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2009. - 270 б.

6. Эгамов Э., Джуманов Д. Замонавий иқтисодий таълимотлар (маърузалар матни) Тошкент-2010.

7. Джуманов Д., Ҳусунов Д., Аллаберганов З.Г. Иқтисодий таълимотлар тарихи (маърузалар матни) Тошкент-2015 й.

8. Ш. Шодмонов, У.В. Ғофуров Иқтисодиёт назарияси. Дарслик Тошкент «IQTISOD- MOLIYA» 2010 й. 729 б.

9. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги. Статистик тўплам. 2019–2022 йил. 191-бет.

10. Норбоев О.А. Миллий иқтисодиётда мулкчилик муносабатлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари Economics and Innovative Technologies (2023), 11 (1), 305-311 б.  
<https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/208>

11. Норбоев О.А. “Миллий иқтисодиётда мулкчилик муносабатлари, мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш истиқболлари”. Iqtisodiyot va ta'lim (2023/6/30, vol 24, 3-сон, 39-44б).  
<https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8238213505361788058&btnI=1&hl=en>